



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Президенти Владимир Путин ташаббуси билан Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Саммитда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ҳам қатнашди.

Тадбирда келгуси ҳафтада Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди. Кўп томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шерикликнинг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий, инвестицион, транспорт-коммуникация соҳаларида яқин алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

## Ўзбекистон — Венгрия: МУШТАРАКЛИКДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



Ўзбек ва венгер халқларининг шакланган муштарак қадриятлари давлатларимиз ўртасида икки томонлама ҳамкорлик алоқалари мустақамланиб боришига замин яратмоқда. Буни кейинги йилларда ўзаро савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, биргина товар айирбошлаш ҳажми қарийб уч баробар ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

▶ Давоми 2-бетда

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

## ТОҒ-КОН САНОАТИ:

рақамлаштириш натижасида вақт ва харажат тежалиб, самарадорлик ошмоқда



Инсон қадрини улуғлашга асосланган Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларда барча соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш жараёни ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Халқаро таҳлилларга кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга кўпайтириш, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш ҳамда коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Мана шундай устувор жиҳатлар ва албатта, коронавирус пандемиясидан олинган ҳаётий хулосалар туфайли ҳам бугун бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва тармоқлар, одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида алоҳида эътибор қаратиб, рақамлаштиришга киришган давлатлар айна пайтда жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистонда бу жараён нисбатан кечроқ бошланган бўлса-да, кейинги йилларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва рақамлаштиришга устувор аҳамият берилди. Жумладан, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” доирасида миллий иқтисодиёт, сановат ва умуман, жамиятда рақамли трансформацияни жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”

деб эълон қилинган, рақамлаштириш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинган бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ривожининг янги босқичга кўтарилишига замин яратди.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда рақамлаштириш жараёни бу билан тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, келгуси йилларда уни янада ривожлантириш юзасидан залворли вазифалар белгиланган. Хусусан, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробар ошириш, бу борада рақамли инфра-



тузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўллари кенг полосали улашиш тармоқлари билан қамраб олиш шулар жумласидан. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторига ҳамда молия ва банк соҳаларида

ишлаб чиқариш ва операция жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баробар, уларнинг экспортини эса 10 баробар ошириш вазифаси мустақамланган.

▶ Давоми 4-бетда

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР

## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК: АҲОЛИ КУТАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



Мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар фонидида хусусий капитални фаол жалб этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосий йўналишлардан бирига айланганини кўриш мумкин. Бу мамлакатта хорижий инвестиция жалб қилишнинг энг самарали йўлидир.

Халқаро тажриба мазкур йўналиш узок муддатли, самарали ва томонлар учун фойдали эканини исботлаган. Бундай механизм, асосан, электр таъминоти, транспорт, йўл қурилиши, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, таълим, соғлиқни сақлаш, экология ҳамда сув

ҳўжалиги соҳаларида кенг қўлланилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бу тизим изчил ривожланмоқда. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ДХШ институти шакллантирилди ва бу борада тегишли қонунчилик базаси яратилди. Ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани

ривожлантиришда хусусий сектор давлат компанияларига қараганда самаралироқ фаолият юритади, бюджетга тушадиган юкни сезиларли даражада камайтиради ҳамда эҳтимолий хатарларни бўлишади.

▶ Давоми 3-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## АҚЛНИ ИШЛАТИБ БОЙ БЎЛИШГА УНДАЙДИГАН ТИЗИМ

Жорий йил бошидан 35 та олий таълим муассасасига молиявий мустақиллик берилди. Улар ичида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳам борлиги мазкур соҳа сифат жиҳатдан янги босқичга ўтаётганини кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимида туб бурилиш ясади.

Ушбу қарорнинг амалиётга жорий этилиши, биринчидан, олий таълим муассасасига молиявий мустақиллик берган бўлса, иккинчидан, ўзини ўзи молиялаштиришда ҳаётий лаборатория вазифасини ўтайди.

Молиявий мустақиллик таълим муассасалари учун тўлов-контракт микдори ва муддатини, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш оладинган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи, мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш имконини яратди. Ҳатто ўз ҳисобидан талабаларга стипендия

ва грантлар ажратишни мустақил белгилаш ҳуқуқини беради.

Керакли ўқув қўлланмаларсиз, илмий адабиётларсиз халқаро тажриба алмашинувида илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, халқаро ОТМлар билан алоқаларни кўзланган даражага олиб чиқиш қийин. Қарордаги таълим сифатини ошириш бўйича ушбу муҳим жиҳат хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилишга имкон беради.

▶ Давоми 5-бетда

## МУЛОҲАЗА

## БИНОЛАРНИНГ РАҚАМЛИ МОДЕЛИ У НИМА УЧУН КЕРАК?

Аксариyat одамлар курилиш деганда айна жараёни тушунади. Бу нотўғри қараш. Чунки ҳар қандай иншоот, у хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, аввало, пухта лойиҳага эга бўлиши, муайян меъёр ва стандартларга жавоб бериши керак. Мамлакатимизда 2000 йилда 388,4 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлса, 2021 йилга келиб бу рақам 107 триллион 492,7 миллиард сўмга етди. Кўринадики, фарқ жуда катта, ўсиш жадал.

▶ Давоми 4-бетда



## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

## Ўзбекистон — Венгрия: МУШТАРАКЛИКДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



**Замон ХОЛДОРОВ,**  
Прогнозлаштириш ва  
макроиқтисодий тадқиқотлар  
институтининг директорининг биринчи  
ўринбосари

инфратузилма объектларини хусусийлаштириш дастури бошлангани, солиқ тизими ислох қилинганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Дарҳақиқат, ташқи савдонинг ошишида турли имкониятлар қатори валюта муносабатларининг эркинлаштирилгани ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сийёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бинобарин, фармонда белгиланган вазифалар Ўзбекистон валюта сийёсатида янги саҳифа очиб, ташқи савдонинг ошишига замин яратди. Амалдаги валютани тартибга солиш тизими тубдан ислох қилинди, валюта сийёсати либераллаштирилиб, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратилди. Шу билан бир қаторда, мазкур фармонда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилгани мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириб, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилади, хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим роль ўйнади.

Фойдани репатриация қилишнинг эркинлаштирилиши ҳам ташқи савдога ижобий таъбир қилмоқда. "Валюта тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши хорижий инвесторларга киритган маблағларидан чиққан фойдани хоҳиши бўлганда ўрнатилган тартибда, тўсиқларсиз эркин олиб чиқиб кета олиш имкониятини яратди. Мамлакатимизда ташқи савдо операцияларини жадаллаштиришга туртки берди ва тадбиркорлик муҳити жозибдорлигини янада оширди.

Президентимизнинг 2021 йил 11 февралдаги "Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида"ги фармони эса давлат активларини хусусийлаштириш жараёни жадаллаштириш, саноят, инфратузилма объектлари ва банклар учун ҳам хусусийлаштириш дастурлари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширишга кенг йўл очиб берди.

Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, иқтисодиётга фаол тадбиркорлар доираси вакилларининг жалб қилиниши натижасида хусусийлаштирилган корхоналарга қўшимча инвестиция киритилиб, янги замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш ва хизматларнинг миқдори кўпайтирилади, янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишига олиб келади.

Бозор муносабатларининг эркинлаштирилиши, инвестор ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилиши, бизнес муҳитининг яхшиланиши, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада ортishi ва дунё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Гап икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳақида борар экан, ҳамкор томон иқтисодиётига бир қур назар солсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Венгрия сўнгги ўн йилликда иқтисодий жаҳада катта муваффақиятга эришди. Ушбу давлат аралаш иқтисодиёт ва юқори тараққиёт даражасига эга мамлакатлар гуруҳига мансуб бўлиб, инсон ривожланиши бўйича жуда юқори индексга эга. Дунёда даромадлар нотенглиги кўрсаткичи энг паст бўлган мамлакатлар орасида 13-ўринни эгаллайди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг аъзоси сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги етакчилардан бири ҳисобланади. 2020 йилда мамлакатга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 171,4 миллиард долларни ташкил қилган.

## Иқтисодий кўрсаткичлар далолати

Венгрия экспортга йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлиб, асосий эътибор ташқи савдо-сотиққа қаратилган. Экспорт ҳажми жиҳатидан дунёда 35-ўринни эгаллайди. 2021 йилда мамлакатнинг экспорт ҳажми 148,2 миллиард долларни, савдо балансидаги ижобий сальдо эса 1,5 миллиард долларни ташкил қилди. 2010 йилда мамлакатда ишсизлик даражаси 11,2 фоизни ташкил этарди, бироқ у аста-секин пасая бориб, 2021 йилга келганда 4,1 фоизга тушди. 2021 йилда Венгрия ишсизлик даражасининг пастлиги бўйича Европа Иттифоқида 6-ўринни эгаллади.

Венгрия ҳукумати солиққа тортиш соҳасида асосий эътиборни рақобатбардорликка қаратмоқда. Бунинг натижасида ушбу давлат Европа Иттифоқида солиқ ставкаси энг паст мамлакатлар сирасига кирди, корпоратив солиқ 9 фоизни, даромад солиғи эса 15 фоизни ташкил қилади.

Қатъий солиқ интизоми ва иқтисодиётда норасмий секторнинг қисқартирилиши ҳисобига Венгрия солиқ ставкаларини паст даражада ушлаб туришга муваффақ бўляпти.

Венгрия фан ва техника соҳасида ҳам сезиларли ютуқларга эришди, тадқиқотлар ва ишланмалар эса мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланган. 2020 йилда Венгрия ўз ЯИМнинг 1,61 фоизини тадқиқотлар ва ишланмалар учун сарфлади ва бу кўрсаткич бўйича дунёда 25-ўринни эгаллади. Bloomberg Innovation Index рейтингига энг инновацион мамлакатлар орасида 32-ўринда туради. Мамлакатнинг технологик рақобатбардорлигини сақлаб туриш мақсадида тадқиқотлар ва илмий ишланмалар учун харажатлар солиқ имтиёзларига эга, аниқроғи 2-3 маротабагача солиқ чегирмаси мавжуд. Шу тўғрисида Венгрия бошқа ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда, туртинчи саноят инқилоби бўсағасида турибди.

## Ташқи сийёсат ва прагматизм

Венгриянинг ташқи иқтисодий фаолияти алоҳида эътиборга молик. Сўнгги йилларда унинг бошқа мамлакатлар билан муносабатларида иқтисодий алоқалар биринчи ўринга чиқди. Масалан, венгриялик дипломатларнинг меҳнат фаолияти тушлукдаги зиёфатлар сони билан эмас, балки мамлакатга жалб қилинган инвестициялар ҳажмига қараб баҳолана бошлади. Шу билан бирга, Ташқи ишлар вазирлиги ўз номини ўзгартирди. Энди у Ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи муносабатлар вазирлиги деб аталмоқда. Бу қайсидир маънода сўнгги йилларда Ўзбекистонда рўй берган ўзгаришларга жуда ўхшаб кетади. Масалан, элчиликнинг мамлакат ҳудудларига бириктериши қўйилиши, хорижий

сармоядорлар ташрифининг тезда ташкил этилиши, экспорт ва инвестициялар билан боғлиқ масаланинг кун тартибига киритилиши шулар жумласидан.

Гап ташқи муносабатлар ҳақида кетганда, Венгрия жуда прагматик ёндашувга эга. Чунки у бошқа мамлакатлар билан, уларнинг ташқи сийёсати қандай бўлишидан қатъи назар, савдо алоқаларини ўрнатади. Масалан, Венгрия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" лойиҳасига қўшилган биринчи мамлакат бўлди. Аммо Венгрия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни "бир оз таранг" деб таърифлаш мумкин. Чунки Венгрия кўпинча Европа Иттифоқининг сийёсати ва дастурларидан сезиларли даражада фарқ қилувчи ўз сийёсати ва дастурларини амалга оширишга ҳаракат қилади.

## Ўхшаш тарихий йўл

Ўзбекистон ҳам, Венгрия ҳам ўтган асрнинг 90-йилларида рўй берган сийёсий ўзгаришлардан сўнг ўхшаш вазиятга тушиб қолди. Иккала мамлакат ҳам режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда катта қийинчиликларга учради, давлат активларининг аста-секин хусусийлаштирилиши билан боғлиқ муаммага дуч келди. 2000 йил охирига келганда Венгрия давлат корхоналари улушини сезиларли даражада қисқартирди ва 1996 йилда ҳатто хусусий пенсия тизимини амалиётга татбиқ этди.

Венгрия Ўзбекистоннинг стратегик шериги ҳисобланади. Айни чоғда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқалар муттасил ривожланиб борапти. Бунга, айниқса, сўнгги йилларда алоҳида суръатга эга бўлаётган сийёсий мулоқотлар кўмак бермоқда. Имкониятларни бошқаларга қараганда эртароқ илгаш салоҳияти ва бирдамликни амалий қадамлар билан мустаҳкамлаш яна бир қарра Венгрия ташқи иқтисодий фаолиятининг прагматик эканлигини кўрсатади.

2021 йили пандемия даврида Венгрия бош вазир Виктор Орбанининг Ўзбекистонга қилган сўнгги ташрифи Ўзбекистон айни чоғда Марказий Осиёдаги иқтисодий фаоллик драйвери сифатида қанчалик муҳим роль ўйнаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқди ва жорий йилда 30 йиллиги нишонланадиган икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги бир саҳифани очди.

Агар стратегик, географик жиҳатдан қулай жойлашуви, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар қўламини ва аҳолисининг ёш эканлиги инобатга олинмаган бўлса, Ўзбекистонда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар бисёр. Венгрия эса иқтисодий ривожланишнинг бу босқичидан муваффақиятга ўта олган. Ўзбекистон ўз иқтисодиётини XXI аср қорпоғларига янада яхшироқ мослаштири олиши учун Венгрияда олиб борилган давлат сийёсатининг афзалликлари ва камчиликларини ўрганиши ва бундан самарали фойдаланиши мумкин.

Умуман олганда, ўзбек ва венгер халқларининг ўзаро боғлиқлиги, ўхшаш босиб ўтилган йўллари, бугунги кунда ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қўрилаётган самарали чоралар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар ривожини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

## КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Ўзбекистон касабаяушмалари федерацияси томонидан 7 октябрь — Жаҳон муносиб меҳнат кунини муносабати билан видеоконференцалоқа форматда семинар ўтказилди.

Халқаро касабаяушмалари конфедерацияси ташаббуси билан дунёнинг барча мамлакатларида нишонланадиган мазкур санага бағишланган тадбирда депутатлар, қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координаторлари, касабаяушмалари мутасаддилари, пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймастик бўйича ўтказилаётган миллий мониторингнинг худудий гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан меҳнат муносабатлари соҳасида кенг қўламли ислохотлар кечмоқда. Бунга яққол мисол сифатида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини халқаро стандартларга мос ҳимоя қилишга қаратилган янги Меҳнат кодекси қабул қилинаётгани, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинганини келтиришимиз мумкин.

## ЭЪТИБОР ВА ҚАДР — ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ОЛИЙ МЕЗОНИ

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан яратилган Муносиб меҳнат концепциясига қўра, маҳсулдор бандлик ва муносиб иш — адолатли глобаллашувга эришиш, камбағаллик қўламини қисқартириш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш йўлидаги ҳал қилувчи омилдир. Муносиб меҳнат концепцияси тўртта муҳим стратегик мақсадга, хусусан, меҳнат соҳасига асос солувчи ҳуқуқларни рўйба-га чиқариш, бандлик ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш мақсадларига таянади. Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойилларини, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланиши, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил ҳисобланади.

Бир неча йилдирки, Жаҳон муносиб меҳнат кунини Ўзбекистон касабаяушмалари томонидан ҳам кенг нишонлаб келинмоқда. Бошқа мамлакатлардан фарқли улароқ, Ўзбекистонда давлат органлари ва иш берувчилар бирлашмалари ҳам муносиб меҳнатни жорий этишга тайёрлигини намоён қилиб, бу кунги тадбирларда касабаяушмалари билан биргаликда фаол иштирок этади.

— Бу сана дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам муносиб нишонлаб келинмоқда, — деди Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги миллий координатори Азизхон Хонхўжаев. — Ўзбекистон касабаяушмалари федерацияси ташаббуси билан мазкур санага бағишлаб ташкил этилган бугунги семинарда муносиб меҳнат

шароитлари ва тамойиллари масалалари муҳокама қилинди. Таъкидлаб ўтиш зарурки, сўнгги йилларда Ўзбекистон муносиб меҳнат борасида сезиларли даражада фаоллик кузатилмоқда. Хусусан, уч томонлама шериклар кун тартибидан бўлган халқаро меъёр ва стандартларни ҳамда аҳоли ўртасида муносиб бандликни илгари суриш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, ижтимоий шериклик ва мулоқотни ривожлантириш каби кенг қўламли стратегик масалаларни қамраб олган Муносиб меҳнат бўйича янги дастур имзоланди. Халқаро

меҳнат ташкилоти бундан буюн ҳам мазкур дастурни амалга ошириш борасида Ўзбекистонни қўллаб-қувватлайди ва яқин ҳамкорликни давом эттиради.

Семинарда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини амалга татбиқ этиш масалалари Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида имзоланган бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда жамоа шартномаларида ҳам ўз аксини топан бўлиб, бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бу жараёнда ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2022 йил 1 апрель ҳолатига қўра, республика бўйича қарийб 20 мингта корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффициенти қўрилган бўлиб, бу орқали ходимлар иш ҳақи оширилишига эришилган. Шунингдек, касабаяушмалари томонидан иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши юзасидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касабаяушмалари органлари томонидан иш берувчиларга, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига, банкларга, ҳуқуқий инспекцияларга, прокуратура ва суд органларига 108 марта мурожаат қилиниб, ходимларга ўз вақтида тўланмаган 44 миллиард 416 миллион сўмдан ортик иш ҳақи ундириб берилишига эришилди.

Онлайн семинар давомида Ўзбекистон касабаяушмалари федерацияси ва Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ўртасида биргаликда амалга оширилмаган ишлар юзасидан қабул қилинган қўша тадбирлар режаси асосида ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижалари, Ўзбекистон касабаяушмалари федерацияси томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймастик бўйича ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилаётган миллий мониторинг жараёнининг бориши, меҳнатга адолатли ҳақ тўлашдаги вазифалар ҳам муҳокама этилди. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар учун яратилаётган муносиб меҳнат шароитлари, бу орқали меҳнатқашлар турмушида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, касабаяушмаларининг норасмий ва ностандарт бандлик бўйича мониторинги хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Семинар давомида пахта теримчилари учун яратилган меҳнат ва дам олиш шароитлари, миллий мониторинг жараёнлари тўғрисидаги видеорепортажлар ҳам намойиш этилди.

Тадбирда иштирок этган миллий ва халқаро экспертлар семинар ниҳоятда фойдали ва самарали бўлгани, бу ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасидаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касабаяушмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари





ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК:

АҲОЛИ КУТАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ўтган 3 йил ичида юртимизда давлат-хусусий шериклик соҳасида бир неча миллиард долларлик лойиҳалар катта портфели шакллантирилди. Бу борада амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шериклики ривожлантириш агентлиги директори ўринбосари Ҳасан ҲАСАНОВ билан суҳбатлашдик.

— Ҳозирги кунда давлат-хусусий шерикликда асосий эътибор қайси соҳаларга қаратилмоқда?

— Ўтган давр мобайнида Давлат-хусусий шериклики ривожлантириш агентлиги томонидан барча масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда умумий қиймати 12,37 миллиард доллардан ортиқ бўлган 393 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича иш олиб борилди. Бу лойиҳалар энергетика, экология, ветеринария, чорвачилик, сув ҳўжалиги, коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, хунармандлик саноати, транспорт, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ахборот технологиялари, солиқ, ҳўқўқни муҳофаза қилиш соҳаларида янги самара бермоқда.

Энг кўп энергетика тизимида, яъни умумий қиймати 10,27 миллиард доллардан ортиқ бўлган 26 лойиҳа бўйича ишлар ташкил этилди. Шундан 19 лойиҳа бўйича инвестиция битимлари имзоланди. Хусусан, Самарқанд вилояти Нуробод туманида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича Франциянинг "Total Egen" компанияси билан 2019 йилда инвестиция битими имзоланган эди. Лойиҳа қиймати 107 миллион АҚШ доллари бўлган бу электр станцияси жорий йилда ишга туширилди.

Транспорт соҳасида ҳам ўтган давр мобайнида 7 та давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилди ва 2 та битим имзоланди. Улардан бири — Самарқанд халқаро аэропортини модернизация қилиш лойиҳаси муваффақиятли бажарилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки маслаҳат кўмагида Тошкент — Самарқанд, Жаҳон банки кўмагида Тошкент — Андижон пулли автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси бўйича яқиний техник иқтисодий асослар ишлаб чиқилмоқда. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари орасида 66 километри автомобиль йўли ва Тахтакорон давомида 4,4 километри туннель қуриш лойиҳаси учун маслаҳат хизматини кўрсатишчи компанияни жалб қилиш ишлари давом этмоқда.

— Тўғриси, Тошкентдан Самарқандга, водий вилоятларига қараб пулли йўллар қурилиши ҳақида хабарлар тарқалган, халқимиз бу ташаббусни кўллаб-қувватлаган эди. Лекин орадан вақт ўтиб, бу гаплар унутилди. Гапингиздан аниқлашадими, демак, бу йўллар



қурилиши тўхтаб қолгани йўқ ёки амалга ошириш имконсиз эмас, шундайми?

— Ҳа, албатта, бу масалада шошилмаслигимиз керак. Бу жуда катта ва муҳим лойиҳа. Шу боис, аниқ ва пухта бўлсагина, уни қабул қилишимиз зарур. Токи бу йўллар халқимизга узоқ йиллар хизмат қилсин.

— 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат-хусусий шериклики кенгайтириш бора-сида ҳам вазифалар белгиланган. Бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда қиймати қарийб 14 миллиард доллар бўлган 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш мақсад қилинган.

Айни пайтда 2022-2026 йиллар давомида энергетика соҳасида режалаштирилган 13 та лойиҳа бўйича ҳўжатлар тайёрлаш ва ўрганиш давом этмоқда. Жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда Қорақалпоғистонда ва бошқа вилоятларимизда шаомол электр станцияларини, Тошкент шаҳрида 9 та когенерация иссиқлик электр станциясини қуриш, Осиё тараққиёт банки кўмагида Фарғона вилоятида 100 МВт, Жиззах вилоятида 150 МВт қуёш фотоэлектр станцияси барпо этиш лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

— Давлат-хусусий шериклик жараёнларини таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига татбиқ этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги ишлар қандай олиб борилмоқда?

— Таълим соҳасида сўнгги уч йилда умумий қиймати 84,9 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлган жами 67 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилди. Мазкур соҳада умумий қиймати 47,5 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги 49 та битим имзоланди. Жумладан, 14 та давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг тендер жараёни якунланиб, голиблари билан битимларни расмийлаштиришга киришилган. Бундан ташқари, 4 лойиҳа бўйича тендер жараёни, 2022–2026 йилларда таълим соҳасида режалаштирилган 6 йрик лойиҳа бўйича ҳўжатлар тайёрлаш ва ўрганиш давом этмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банкининг маслаҳат кўмаги билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 13 та умумтаълим мактабини ДХШ асосида қуриш лойиҳаси концепцияси ва техник-иқтисодий асослаш ҳўжжати ишлаб чиқилаётган бўлса, Халқаро

Жами қиймати 44,33 миллион АҚШ доллари бўлган 35 та лойиҳа юзасидан битим имзоланди. Шунингдек, 11 та лойиҳа бўйича тендер босқичлари якунланиб, келишувга эришиш арафасида.

Шу кунларда 2 та лойиҳа бўйича тендер жараёнлари давом этмоқда. Хусусан, Халқаро молия корпорацияси маслаҳат кўмагида Фарғона, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида Нури (Радио) терапия тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси концепцияси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Фарғона вилоятида кўп тармоқли шифохона ташкил этиш лойиҳаси бўйича Жаҳон банкининг "Институционал салохиятни ошириш" кредит линияси ҳисобидан юридик ва техник маслаҳатчилар жалб қилинди ва ҳозир лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

Осиё тараққиёт банки маслаҳат кўмагида Андижон ва Бухоро вилоятларида поликлиника ва тиббиёт марказларини ташкил этиш лойиҳасига маслаҳат хизмати кўрсатиш битими имзоланди. Бугунги кунда лойиҳани амалга оширишда

Ўтган давр мобайнида бу йўналишда жами 69 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаси устида иш олиб борилди. Жумладан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш билан шуғулладиган 43 та кластер хизматини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш борасида битим имзоланди. Шунингдек, 8 та лойиҳанинг тендер жараёни якунланиб, голиблари билан битимлар расмийлаштиришга киришилган. Умумий қиймати 31,3 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги 18 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича ҳам жараён давом этмоқда.

Жорий йилги давлат дастурида тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш тизимини яратиш, 80 та махсус техника, 20 та зарарсизлантириш, 40 та утилизация қилиш ускунаси ва 60 та тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш участкасини қуриш учун 2022 йил октябрь ойига қадар Ўзбекистон Президентини қарори лойиҳасини киритиш топшириги берилган. Бунда ушбу тадбирлар учун молиялаштириш манбаси этиб давлат бюджети, грант ва бошқа маблағлар белгиланган.

— Коммунал хизматлар соҳасида қандай ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда?

— Албатта, коммунал хизматлар соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Соҳада ДХШ битимларини амалга ошириш янги самара бермоқда. Мазкур йўналишда 2019–2021 йиллар давомида 3 та ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилди ва мазкур лойиҳалар бўйича тегишли битимлар имзоланди. Осиё тараққиёт банки кўмагида Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш ва бошқарува бериш лойиҳаси бўйича хусусий ташаббускор — Франциянинг "Veolia" компанияси билан музокаралар ўтказилди ва битим имзоланди. Шунингдек, 2022–2026 йиллар давомида коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида режалаштирилган 2 лойиҳа бўйича ҳўжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Шу билан бирга, бошқа қатор соҳаларда, жумладан, транспорт, сув ҳўжалиги, маданият, ахборот технологиялари, хунармандлик саноати, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантиришда ҳам ДХШ битимларини тузиш ва амалга ошириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, сув ҳўжалиги соҳасида бугунги кун ҳолатига умумий қиймати 29,42 миллион доллар бўлган 33 та, маданият соҳасида умумий қиймати 9,37 миллион АҚШ доллари бўлган 26 та ДХШ лойиҳасини бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Хунармандлик йўналишида биргина ўтган йили умумий қиймати 0,54 миллион АҚШ доллари бўлган 13 та ДХШ битими имзоланди.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди.



молия корпорацияси маслаҳат кўмаги ёрдамида 15 та умумтаълим мактабини барпо этиш лойиҳаси учун Андижон ва Самарқанд вилоятларида ҳўдудларни танлаш ишлари давом этмоқда.

Бугун кун тартибидидаги масалалардан бири — талабалар учун турар жойлар қуриш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Бу йўналишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан лойиҳа қиймати 150 миллион АҚШ доллари бўлган маслаҳат кўмаги битими тайёрланган. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам истиқболли лойиҳалар бор. Ўтган давр мобайнида бу йўналишда 48 лойиҳа бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

маслаҳатчиларни жалб қилиш учун Осиё-Тинч океани лойиҳаларини тайёрлаш жағмармаси томонидан 2,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида грант ажратилиши юзасидан музокаралар ўтказилмоқда.

— Экология соҳасида ДХШ асосида қандай лойиҳалар амалга ошириляпти?

— Чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳўлатни яхшилаш, "Яшил макон" умумий миллий лойиҳасини амалга ошириш борасида Президентимиз бир қатор долзарб вазифалар ва ушбу йўналишда қилиниши лозим бўлган масалаларни белгилаб берган.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛАЁТГАН ТУМАН

Мамлакатимизда иқтисодийнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантиришга қаратилган ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги "Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда 2022 йил 6 июлдаги "2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Уларга мувофиқ, мамлакатимиздаги инновацион ҳудудга айланттирилаётган туманлар рўйхати тасдиқланди. Мазкур ҳудудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ҳам ушбу рўйхатдан жой олди. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мазкур ҳудуддаги жами 7,9 миллион сўмлик 12 та лойиҳа молиялаштирилди. Шундан 6 таси 2,8 миллион сўмлик тижоратлаштириш, 6 таси 5,1 миллион сўмлик стартап лойиҳаларида. Мазкур лойиҳалар туманининг хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, саноат ва чорвачилик соҳалари ривожига ҳисса қўшмоқда.

Шу йилнинг 20 июнь куни оилавий поликлиникаларда инновацион телемедицина хизматини ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилди. Лойиҳага вазирлик томонидан 700 миллион сўм ажратилди. Телемедицина асбоб-ускуналари ва керакли инвентар жиҳозлар клиникага тегишли тартибда ўрнатилган. Шунингдек, УТТ (ультра товуш текширув) ва ЭЭГ электроэнцефалография аппаратлари телемедицина дастурига уланди. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига қадар Оҳангарон туманида 820 та фуқарога 410 миллион сўмлик тиббий хизматлар кўрсатилди.

Мазкур йўналишдаги хизмат бошқа ҳудудлардаги, хусусан, пойтахтимиз

ва хориждаги етакчи тиббиёт марказлари билан алоқа ўрнатган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва профилактикани ўз ичига олади. Ушбу хизмат хорижда келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар маълумотларни тасвир, видео, аудиоёзув воситасида маслаҳат берувчи мутахассис томонидан интернет тармоғи орқали етказиб беради ва консилуим ташкил қилиш ёки маслаҳат олишга хизмат қилади.

Телемедицина, асосан, шаҳарлардан узоқда яшайдиган аҳоли учун қулай. Чунки ҳаммамнинг ҳам моддий нуқтаи назардан тиббий қўриқдан ўтиш, даволаниш учун катта шаҳарларга бориб-келишга имконияти етмаслиги мумкин. Телемедицина орқали эса бир шифокорнинг иккинчи мутахассис билан масофадан туриб мулоқот қилиши, тегишли тавсиялар олиши мумкин. Оҳангарон туманида ана шундай хизматнинг жорий қилингани айни мудида бўлди. Энди туманда истиқомат қиладиган фуқароларнинг марказий шаҳарларга бориб келишига ҳўжат қолмади. Уша жойининг ўзида уларга керакли тиббий муолажа кўрсатилмоқда.

Тумандаги ёшларни дастурий ва техник, инновацион махсуслотлар ишлаб чиқишга кенг жалб қилиш, стартап лойиҳаларни кўпайтириш, қобилиятли йигит-қизларни юзага чиқариш билан боғлиқ ишлар ҳам тизимли йўлга қўйилмоқда.

— Жорий йилда Оҳангарон тумани "Нуробод" МФЙ ҳудудида Ёшлар технопарки филиалини ташкил қилиш кўзда тутилган, — дейди Оҳангарон туман ҳокимининг инновация масалалари бўйича ўринбосари Жамшид Латипов. — "Оҳангарон туманида стартап акселератор ташкил этиш" лойиҳаси доирасида бизнес-акселератор, IT, бизнес-менеджмент, дизайн, виртуал сервис хизмат кўрсатиш



йўналишларида ва бошқа 6 турдаги ўқув дастурлар ишлаб чиқилиб, татбиқ этилиши белгиланган. Ҳозирги кунда тингловчилар рўйхати тайёрланган. Шунингдек, дастурлар бўйича 4 та стартап ва 3 та тижоратлаштириш лойиҳа ҳўжатлари шакллантирилмоқда.

Туманда "Уй шароитида кичик қўёнчилик фермаларини ташкил қилиш" лойиҳаси орқали кўёнчилик кластери фаолиятини кооперация асосида ташкил этиш борасида ҳам муайян ишлар бажарилди. Лойиҳага вазирлик томонидан 350 миллион сўм маблағ ажратилди. Лойиҳа доирасида Оҳангарон тумани Ёнарик маҳалласидаги 50 та хонадонда кооперация асосида кўёнчиликни ривожлантиришни амалга ошириш ишлари бошланган. Ҳозирги кунда

маҳалладаги 10 га яқин хонадонга қўён тарқатилаб, уй эгалари қўён боқишга ўргатилмоқда. Ишлар босқичма-босқич давом эттириляпти. Лойиҳа доирасида 20 та янги иш ўрни яратилди.

Яна бир лойиҳа Оҳангарон туманининг лалми ерларида автоном сўғориш тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Лойиҳага вазирлик томонидан 1,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди ва бугунги кунда тўлиқ ишга тушди. Жорий йилнинг май-июнь ойларида Оҳангарон туманидаги "Buviniso Olima" фермер хўжалигида 87 миллион сўмлик шартномага асосан, қудўқ қазिश ишлари амалга оширилди. Туманининг сув танқис маҳаллаларига сув чиқариш бўйича режалар ишлар амалга оширилмоқда.



ЯНА БИР ЛОЙИҲА ОҲАНГАРОН ТУМАНИНИНГ ЛАЛМИ ЕРЛАРИДА АВТОНОМ СЎҒОРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ. ЛОЙИҲАГА ВАЗИРЛИК ТОМОНИДАН 1,5 МИЛЛАРД СЎМ МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛДИ ВА БУГУНГИ КУНДА ТЎЛИҚ ИШГА ТУШДИ. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ОҲАНГАРОН ТУМАНИДАГИ "BUVINISO OLIMA" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА 87 МИЛЛИОН СЎМЛИК ШАРТНОМАГА АСОСАН, КУДЎҚ ҚАЗИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ТУМАНИНИНГ СУВ ТАНҚИС МАҲАЛЛАЛАРИГА СУВ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА РЕЖАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Чорвачилик тармоғини ривожлантиришда Оҳангарон тумани ҳам катта имконият ва салохиятга эга. Қулай географияк ўрни, кенг яйловлар ва қир-адирликларда жойлашганлиги туфайли туманда чорвачилик янги ривожланган. Шунга қарамай, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Бу тумандаги мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳисобига соҳани янада ривожлантириш, замонавий технологиялар асосида чорвачилик комплексларини қуриш ҳамда аҳоли истеъмоли учун сифатли гўшт ва сут махсуслотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришни тақозо қилади.

Чорва махсусдорлиги эса кўп жиҳатдан улар озикландиган ем-ҳашакка ҳам боғлиқ. Туманда ана шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда лойиҳалар кесимида биргина чорвачилик соҳасида озқабоб лавлага қашқарбеда арпа, қўк нўхат каби экинбоп

уруғликлар етиштирилиб, йиғиб олинди. Уларни куз мавсумида ҳудуддаги тегишли чорва фермерлари ва кластер майдонларида экиш режалаштирилган. Бу таннархнинг арзонлашишига ва озуқага бой ем-ҳашак махсуслотлари етиштирилишига хизмат қилади.

Оҳангарон инновацион ҳудудга айланттирилаётган туманлар рўйхатига киритилганга ҳали кўп бўлмади. Шундай бўлса-да, бу ерда ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу тиббиёт, кишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ахборот технологиялари каби соҳаларда жорий қилинаётган лойиҳаларда ўз ифодасини толмоқда. Келгусида бажарилмайдиган вазифалар туманининг инновацион ҳамда иқтисодий салохияти юксалишига, аҳоли фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири





www.yuz.uz



yuz\_official



yuz.uz\_news

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

## ТОҒ-КОН САНОАТИ:



**Абдулла АЗИЗОВ,**  
“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раисининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари

Бошланғичи 1-бета

Тараққий этишнинг ҳаётий заруратида келиб чиқиб, бугунги кунда “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида “Рақамли ОКМ – 2030” ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилиб, комбинатнинг барча таркибий бўлинмаларида бошқарув ва технологик ишлаб чиқариш жараёнларига рақамлаштириш кенг жорий қилинапти. Натижада юқори меҳнат самарадорлигига эришиляпти.

Бу борада жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар таҳлилга эътибор қаратадиган бўлсак, комбинатни 2022–2026 йилларда рақамли трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унинг доирасида “Харидлар ва оғбор юритиш” 70 фоизга қисқартирилган 60 дан ортққ лойиҳадан 35 таси бўйича ишлар якунига етказилди.

### “Directum RX” — вақт ва қоғозни тежайди

Бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ва иш юритиш жараёнини рақамлаштириш, бошқарув жараёнида қоғоз ҳужжатлар билан ишлашни қисқартириш, топшириқларни тезкор тарзда ижрочиларга етказиш ва бажарилишини онлайн назорат қилиш мақсадида жорий этилган “Directum RX” электрон ҳужжат алмашинув тизими ана шундай лойиҳалардан бири. У комбинат тизимидаги ижро аппарати бўлинмалари ҳамда барча корхоналар, шу жумладан, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари, Олмалик ва Ангрен шаҳарларидаги ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ қамраб олди. Бу эса комбинат тизимида 60 дан ортққ ҳужжат турлари рақамлаштирилиб, қоғоз ҳужжатлар айланганини 70 фоизга қисқартириш имконини берди.

Июль ойида харидлар тизими самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш ҳамда оғборлардаги товар-моддий бойликлар захирасини рақамли назорат қилиш учун 1С:ERP платформасида “Харидлар ва оғбор юритиш” электрон тизими ишга туширилди. Натижада ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўладиган хомашё, ускуна, эҳтиёт қисмлар ва бошқа товарларга йиллик буюртмаларни реал шакллантириш, бу эса, ўз навбатида, соҳадаги ушбу жараёнларни 25 фоизга оптималлаштириш, оғборларда қолган товар-моддий бойликларни 15 фоизгача камайтиришга олиб келади.

## рақамлаштириш натижасида вақт ва харажат тежалиб, самарадорлик ошмоқда

Бундан ташқари, “SRK Consulting” компанияси (Буюк Британия) билан ҳамкорликда ўтган йиллар мобайнида тайёрланган 2 минг 478 та геологик ҳужжат, 874 минг погонметр узунликда бурғиланган қудуқларга оид маълумотлар рақамлаштирилди. Уларнинг ягона электрон базаси “Datashed” ва “Logchief” (Австралия) дастурий таъминоти ёрдамида яратилди. Бунинг эвазига дунё стандартларига мос келадиган ҳамда инвесторлар томонидан талаб этиладиган JORC кодекси асосида минерал ресурслар ҳисоботини юритиш тизими йўлга қўйилди.

Объектларга кириб-чиқиш назорати “E-Ruxsat” (3 турдаги қоғоз рўхсатномалар бекор қилинди, буюртма ва ҳисобот вақти 2 мартага қисқарди), оғқатланиш учун электрон талон “E-Talon” (ойига 200 мингдан ортққ қоғоз талон, муҳрлаш, тарқатиш қисқариб, ҳисобот 7 мартага тезлаштирилди), “Геолог” лаборатория маълумотлар базаси (ёзма турдаги журналлардан воз кечилиб, 2 кун талаб этилган қоғоз шаклидаги маълумот алмашинуви қисқарди),

томонидан фарзандларини комбинат боғчаларига навбатга қўйиш тизими, ходимларнинг меҳнат таътиллари ҳисобини юритиш тизими ишга туширилди, ҳамда телеграм ижтимоий тармоғида @agmk\_bot расмий телеграм боти йўлга қўйилди. Бу лойиҳалар натижасида ижтимоий соҳадаги иш жараёнлари соддалаштирилиб, ортқққа қоғозбозлик олди олинди ва шаффофлиги таъминланди.

### “Wialon” тизими 8 ойда 117 миллиард иқтисод қилди

Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва замонавий ахборот тизимларини қўллаш мақсадида жами 1 минг 700 та транспорт воситасида “GPS” мониторинги амалга оширилиб, ёнилғи назоратини бажарувчи “Wialon” тизими такомиллаштирилди. Натижада транспорт воситаларининг иш жараёнини тўлиқ таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ошди. Биргина мисол, ушбу

борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Жумладан, жорий йил якунига қадар яна 22 та лойиҳа бўйича ишлар бажарилади. Хусусан, Ангрен кон бошқармасида кон диспетчери тизими ишга туширилиб, шахталарда 44 дан ортққ транспорт ва техник воситалар ишини мониторинг қилиш ҳамда 759 нафар ходимлар хавфсизлиги ва сифатли алоқа билан таъминлаш имконияти яратилди.

Масофавий ўқитиш тизимида комбинат ходимларини асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда онлайн ўқитиш, кўникма ва малакаларини ошириш, махсус ишлаб чиқилган дастурлар тўплами асосида соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш ва билим даражасини мониторинг қилиш йўлга қўйилди. Бу орқали иш жойидан ажралмаган ҳолда йилга 1 минг 500 нафар ходим ўқитилади, ушбу йўналишдаги харажатлар ҳам мос равишда 15 фоизга қисқаради.

Темир йўл транспортига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бошқарув тизими RFID технологияси асосида ҳар бир темир йўл транспорт босиб ўтган масофани аниқ ҳисобга олиб, автоматик тарзда техник кўрик ва таъмирни режалаштириш, уларни сифатли амалга ошириш ҳисобига харажатлар 10 фоизга ёки йилига 7,3 миллиард сўмга қисқартирилади.

Мис бойитиш фабрикасидаги лойиҳа бўйича ҳам ана шундай самарадорликни мисол келтириш мумкин. Чунонки, фабрика сув таъминотида автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилиб, техник сув сарфи оптималлаштирилди. Сувдан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳисобига йилига 5,4 миллион тонна сув ёки 2,4 миллиард сўм иқтисод қилишга эришилади.

Умуман олганда, комбинатимиз “SIEMENS” ва “SAP” (Германия), “AVEVA” ва “Datamine” (Буюк Британия), “Schneider Electric” (Франция) ва бошқа халқаро компаниялар билан рақамлаштириш бўйича 10 дан зиёд англашув меморандумлари имзолаган. Уларга мувофиқ, дунёнинг йирик тоғ-кон металлургия компаниялари томонидан рақамлаштириш соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ўрганилиб, комбинатини рақамли трансформация қилиш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, газначилик, ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятини, шунингдек, бизнес жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, маҳсулот таннархини 3 фоизга пайсатириш, даромадларни 2-3 фоизга ўсишини назарда тутилган ҳолда “КРМГ” компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Концепция асосида SAP ERP тизими жорий этилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини реал вақт режимида назорат қилиш ва тезкор бошқариш мақсадида MES тизимини 2023 йил 4-чорагида ишга тушириш эвазига ускуналарнинг фойдаланиш самарадорлиги 5 фоизга оширилиб, режадан ташқари тўхташ вақти 15 фоизга қисқартирилади. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш имконини беради.

“Қалмоққир” ва “Ёшлик I” конларида ҳам тезкор бошқарув тизимини 2023 йилнинг 4-чорагида жорий этилиши ҳисобига тоғ жинсини ташвиш ҳажми 10 фоизга ошиб, кон техникаларидан фойдаланиш харажатлари 5 фоизга, ёнилғи сарфи 9 фоизга камайтирилади.



## МУЛОҲАЗА

## БИНОЛАРНИНГ РАҚАМЛИ МОДЕЛИ

### У нима учун керак?



**Абулқосим АБДУХОЛИҚОВ,**  
Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори

Бошланғичи 1-бета

Президентимизнинг 2022 йил 22 сентябрдаги “Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази ва Қурилишда стандартлаштириш республика маркази негизда давлат муассасаси шаклида Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот

Бундан буюнга Ўзбекистонда қурилиш ишлари мазкур технология асосида амалга оширилади ва бу жараён босқичма-босқич ривожлантириб борилади. 2023 йилда манзилли дастурга киритилган ҳар бир ҳудудда 5 тадан объект рақамли моделлаштириш усулида лойиҳалаштирилади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, қурилишда BIM технологияларини қўллаш соф фойдани 25 фоизгача, рентабелликни 15 фоизгача оширади. Инвестицияларнинг ўзини оқлаш даврини 17 фоиз камайтириб, қурилиш харажатлари қисқариши ҳисобида лойиҳа таннархини 30 фоизгача арзонлаштирилади.

Институт давлат муассасаси ҳисобланади. Лекин ҳўжалик усулида фаолият юритади, яъни илмий-тадқиқотлар ҳамда шартнома асосида бажариладиган иш ва хизматлардан тушадиган даромадлар ҳисобидан ўзини молиялаштирилади. Унинг асосий вазифалари сирасига эса соҳага оид илғор хорижий тажрибани ўрганиш, қурилишда нархларни шакллантириш бўйича меъёрий-техник ҳўжатларни таҳлил қилиш орқали миллий норматив ҳўжатларни такомиллаштириб бориш, хорижий стандартлар, қондаларнинг ягона реестри, электрон базаси ва фондини шакллантириш кабилар қиради.

Шунингдек, у қурилишда BIM технологияларини жорий этишда имплементатор (жорий этувчи) функциясини бажаради. Мақсадли дастурлар доирасида қурилишда

“ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ КўРСАТМОҚДАКИ, ҚУРИЛИШДА BIM ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШ СОФ Фойдани 25 фоизгача, рентабелликни 15 фоизгача оширади. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ўзини оқлаш даврини 17 фоиз камайтириб, қурилиш харажатлари қисқариши ҳисобида лойиҳа таннархини 30 фоизгача арзонлаштирилади.

институтни ташкил этилаётгани сабаби ҳам шунда. Бинобарин, қурилишда шошма-шошарликка, режасизликка йўл қўйиб бўлмайди. Айтиб ўтганимиздек, у аниқ ва пухта лойиҳага асосланиши шарт.

Қарорга кўра, институт қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида илмий тадқиқотлар асосида техник жиҳатдан тартибга солиш, яъни меъёрлаш ҳамда стандартлаштириш ишларини олиб бориш, бино-иншоотларни ахборот моделлаштиришда BIM (Building Information Model) технологияларини жорий этиш, қурилиш соҳасида нархларни шакллантириш механизмларини аниқлаш каби масалаларда ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Шу ўринда BIM технологиясига бир оз тўхталиш мақсада мувофиқдир. Чунки ҳозирги кунда бинонинг рақамли моделини яратишни назарда тутувчи ушбу технологиядан дунё миқёсида фаол фойдаланилади. Бу борада Буюк Британия ҳамда Сингапур етакчи. Ўзбекистонда мазкур технологияларни жорий этиш ва қўллашда халқаро тажриба таҳлил қилинди. Хитой, Германия, Россия ва Қозғистон каби давлатлар тажрибаси ўрганилди. Пировадиде, Қурилиш вазирлиги мутахассислари томонидан соҳага BIM технологияларини жорий этишнинг 2024 йилгача бўлган “Йўл харита”си ишлаб чиқилди.

халқаро тажрибаларга асосланган BIM стандартлари ва ягона талабларни ишлаб чиқади. BIM технологияларини қўллаш ҳўлатининг мониторингини юритади. Хорижий ва халқаро стандартлаштириш ташкилотлари Қурилиш вазирлиги номидан аъзо бўлади. Соҳага оид тегишли йўналишларда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади.

Бундан ташқари, қарорда 2023 йил март ойидан бошлаб марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг смета қийматини аниқлаш Қурилиш вазирлиги томонидан жорий этиладиган “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси асосида амалга оширилиши белгилаб берилди. Ушбу платформа ҳам институт томонидан юритилади. У Молия вазирлиги, Давлат солиқ, статистика, боғхона қўмиталари, Товар-хом ашё биржаси ва бошқа дахлдор ташкилотларнинг электрон маълумотлар базаси билан интеграция қилинади. Булардан қўзланган мақсад барпо этилаётган бинолар, умуман, бунёдкорлик жараёнини сифат жиҳатдан янада яхшилаш, қурилиш жараёнида шаффофликни таъминлашдир.



# АҚЛНИ ИШЛАТИБ БОЙ БЎЛИШГА УНДАЙДИГАН ТИЗИМ



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



**Исмоил ЗАЙНИДДИНОВ,**  
иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори

Бошланиш 1-бетда

Бу имконият иқтисодиёт соҳасидаги синалган, методологик жиҳатдан жаҳон тан олган асарларни харид қилиш, таржима қилиб университет дарсларида самарали қўллаш, янги-янги фанларни кашф этишга йўл очади. Керак бўлса, ўзимизнинг таниқли академиклар ҳамкорлигида нашр этилган дарсликларни таржима қилиб, бошқа олий ўқув юрталарига реализация қилиш мумкин.

Қарордан "бинодан оқилонга фойдаланиш тартиби" ҳам жой олган. Бу ОТМларнинг фақат талабалар тўлайдиган контракт суммасига қараб қолмасдан, университет балансидаги бўш турган



бинолардан самарали фойдаланишни назарда тутади. Уларни ижарага бериш, иқтисодий талабаларнинг илмий-иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиб, IT бўйича ишлаб чиқариш тизимларини, бизнес ва тадбиркорлик технопаркинни йўлга қўйиш мумкин.

Молиявий мустақиллик ўқитувчи-профессорларнинг ойлик маоши, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда давлат бюджетидан маблағ ажратилмаслигини тақозо этади. Бу эса талабаларнинг тўлов шарномасидан тушган суммадан оилани шакллантириб, улар талабига яраша дарсларни ташкил қилиш, тажрибали ўқитувчиларни топиш ва ишга тақлиф қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш вазифаларини, етук педагог-кадрларни ҳар томонлама рағбатлантиришни билдиради.

Бу жараёнда берилган имкониятдан ҳамжиҳатлик билан унумли фойдаланиб, захирадаги йўналишларни ишга тушириш кечиктириб бўлмас вазифадир. Шунинг учун Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташаббускор, янги лойиҳалар билан ишлайдиган тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва инновацион гоёларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўз устида ишлаш салоҳиятига эга ходимларни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қўмақлаш мумкин. Хусусан, университетда аккредитацияланган лаборатория ва таҳлил маркази ташкил қилинди.

Бундан ташқари, қўзланган мақсадларга эришиш, университетнинг моддий-техник базасини янада бойитишда тажрибали профессор ва академиклар бошчилигида ёш олимлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини тижорийлаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

**2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларида васийлик кенгашлари тугатилади. Уларнинг ўрнида таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз ОТМларнинг қузатув кенгашлари ташкил этилди.**

Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари яратган робототехникалар халқаро танловларда 1-ўринни олиб келмоқда. Уларнинг амалда қўллаб келаётган дастурлари молиялаштирилса, қишлоқ хўжалиги ва саноатни рақамлаштиришда ҳамда интеллектуал бизнесларни йўлга қўйишда қўл келади.

Бу ишлар қарорда белгиланган бўш турган бино ва иншоотларда пулли хизмат кўрсатиш тартибини, автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилашни амалга оширишда қўшимча маблағ топиш ҳамда ҳамкорлик ишларини самарали олиб боришда асқотади.

Университетда инновацион дастурларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этаётган мутахассислар кўп. Жумладан, университет тадқиқотчилари "Иқтисодий терминлар лугати" мобил иловаси ва унинг веб версияси (dictionary.tsue.uz) ни ишга туширган. Мазкур лугатдан олий ўқув юрталари, реал сектор корхона ва ташкилотлари, молия, ҳисоб, савдо, саноат ва ижтимоий муносабатлар, тижорат, банк иши, ташқи савдо билан

талабалар билимини текширишга мўлжалланган мобил иловалар ишлаб чиқилди ва бу жараён давом эттирилмоқда.

Ёш авлодни турли номақбул аудио ва видео маълумотлардан ҳимоялаш мақсадида "Kids video" лойиҳаси оммага тақдим этилди. Бундан ташқари, университетнинг "Ягона интерактив хизматлари" портали — interactive.tsue.uz ҳам фойдаланишга топширилди. Портал орқали университет маъмурияти берадиган 6 турдаги маълумотномани паспорт серияси ва рақамини киритган ҳолда онлайн оlish мумкин.

Бугун юртимизда барча соҳаларда бюрократик тўсиқлар олиб ташланиши баробарида шаффофлик ва адолат тамойиллари барқарор ривожланмоқда. Шу боис, навбатдаги босқичли ишловларда олий таълим муассасаларида ҳам жамоатчилик назорати самарали татбиқ этилди. Молиявий мустақиллик берилмайдиган давлат олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган қузатув кенгашларининг 10 та ваколати белгилангани соҳа тараққиёти учун хизмат қилади.

Шу боис, 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларида васийлик кенгашлари тугатилади. Уларнинг ўрнида таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз ОТМларнинг қузатув кенгашлари ташкил этилди.

Ҳужжатда ОТМ қузатув кенгашларининг асосий ваколатлари белгиланган бўлиб, энди ректорни ҳам қузатув кенгаши тайинлайди. Бу шаффоф тизим ташкилотда жамоатчилик назоратини шакллантириш билан бирга, янада муносиб номзодларни кўрсатиш ва сайлашга хизмат қилади.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИ ЯРАТГАН РОБОТОТТЕХНИКАЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВЛАРДА 1-ЎРИННИ ОЛИБ КЕЛМОҚДА. УЛАРНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАБ КЕЛАЁТГАН ДАСТУРЛАРИ МОЛИЯЛАШТИРИЛСА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА САНОАТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ҲАМДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БИЗНЕСЛАРНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА ҚЎЛ КЕЛАДИ.**

шуғулланаётган мутахассис-ҳодимлар фойдаланиб келмоқда.

"Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари" электрон илмий журналининг веб платформаси (dgesolom.tsue.uz), ахборот технологияларининг барча соҳа, йўналишлари бўйича дарслар, видеолар, маслаҳатлар, ўзбек тилидаги манбалардан бепул фойдаланишга мўлжалланган "IT online" мобил иловаси ҳам яратилган. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари оид 3000 дан ортиқ атама, тушунча учун таъриф ва изоҳлар ҳамда соҳада қўлланувчи жуда кўплаб қўшимча маълумотларни ўзида мужассамлаштирган "АКТ izohli lug'at" мобил иловаси ҳам иш берапти. Бу иловалардан ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ ОТМ талабалари мунтазам фойдаланмоқда.

Шунингдек, университетимиз ёш олимлари инновацион таълим кафедраси учун мобил дарслик ишлаб чиқди. У бўлажак иқтисодчилар учун фан-техника ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги билимларни ўзлаштириш, турли мулкчилик шаклидаги давлат ва нодавлат муассасаларда ахборотларни қайта ишлаш бўйича тизим ва технологияларни ишлаб чиқиш, таълим турларни бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам бермоқда. Масалан, компьютерда утирган ҳолатда қўз машқларини бажаришга мўлжалланган eye.tsue.uz тизими (веб платформа) ҳамда рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедрасида ўқитиладиган фанлар бўйича

Илгари ота-оналар фарзандининг ўқишига тўлов-контрактни амалга ошириш учун нақд пули бўлса, банкларга борад, кези келса, узоқ масофадан йўлқира сарфлаб келар, университет маркетинг бўлимига пул тўлаб сарсон бўларди. Аксинча бўлса, шартномани қозғ шаклини олиш учун почта, такси хизматларидан фойдаланиб ҳам харажатга тушар, ҳам беҳуда овора бўларди.

Қарорда халқимиз учун рақамли қўлайликлар яратиш мақсадида тўлов соҳасида (ва қозғобозлини камайитириш учун) электрон шартномалар тузиш, тўлов-контракт асосида ўқитиш харажатларини масофадан туриб тўлаш ва маблағлар ҳисобини юритиш бўйича ягона ахборот тизими ишлаб чиқилиши белгилаб берилди. Бу тизим орқали университет Молия вазирлиги ва ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши таъминланади. Унга улашиш идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча давлат ОТМлари учун мажбурий.

Бир сўз билан айтганда, олий таълим муассасалари учун жорий қилинган молиявий мустақиллик дастури бир томондан раҳбар-ҳодимларга самарали хўжалик юритишнинг амалий услубларини ўргатса, иккинчи томондан таълим сифатининг ошишига, интеграция кенгайишига, халқона айтганда, ялқовликдан қутулишга, талабалар учун эса университетнинг ўзида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ақлни ишлайтиб бой бўлиш технологияларини сирдан эгаллаб боришга ўргатадиган янги лаборатория бўлди.

## МУНОСАБАТ

# ҲАМ БИЛИМ ОЛАДИ, ҲАМ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРГАНАДИ



**Одилжон МАМАТКАРИЙЕВ,**  
Наманган муҳандислик-технология институтининг ректори

Қайд этиш жоизки, ҳозирда Наманган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича республикамизнинг энг илгор вилоятларидан бири саналади. Хусусан, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини тайёрлаш ва экспорт қилиш вилоятимизнинг асосий драйвери ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, мазкур тарихий қарор тўқимачилик ва енгил саноат ривожини янги босқичга олиб чиқишга, халқаро талаб ва тақлифларга мос

Куни кеча давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан "Наманган тўқимачилик саноати институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилиниши нафақат Наманган, балки мамлакатимиз тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга ҳамда соҳа тармоқларини рақобатбардош кадрлар билан таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

маҳсулот яратувчи кадрлар етиштиришга ҳуқуқий асос бўлади.

Ушбу ҳужжат янги олий таълим муассасасини замонавий талаб асосида ташкил этишнинг барча жабҳаларини қамраши билан аҳамиятли. Қарорда қўшма таълим дастурларини жорий этиш, таълим билан ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, талабаларда мустақил билим олиш билан бирга, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтириш, тўқимачилик соҳасидаги етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, талабалар учун хорижий ва маҳаллий йирик тўқимачилик корхоналарида малака оширишларини йўлга қўйиш, шунингдек, талабалар ва профессор-ўқитувчилар фаолиятини халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Айниқса, институт ҳузурида Тўқимачилик технопарки ташкил этилиши вилоятимизга халқаро ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишга, институтда технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларни эркин тижоратлаштиришга ҳамда келгусида шу олий ўқув юртининг молиявий мустақиллигини таъминлашга замин яратади. Илгор тўқимачилик муҳандислиги мактаби, Дизайн студияси ҳамда Инновациялар ва технологиялар трансфери маркази очилиши ишлаб чиқарувчиларнинг тўқимачилик матолари технологик ҳолатини баҳолаш ва бўяш-пардозлашдаги муаммоларини бартараф этишга, таълим жараёнида ва ундан ташқари вақтларда талабаларга замонавий либос кўринишларини яратишга, қолаверса, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ютуқларини тижоратлаштириш ҳамда янги ишланма ва технологияларни амалиётда қўллашга ҳар жиҳатдан қўмақлашда.

Мухтасар айтганда, Наманган тўқимачилик саноати институти истиқболда ўз жамоаси, илмий-тадқиқот натижалари, тайёрлаган рақобатдош кадрлари билан Ўзбекистонимиз тўқимачилик саноатини юксалтиришга, энг илгор халқаро тажриба ва ютуқларни мамлакатимизга олиб киришга, соҳа вакилларини замонавий билим ва кўникмалар билан мунтазам бойитиб боришга улкан ҳисса қўшади.

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Инсон капитални ривожига ёшлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу маънода бу мамлакатимиз учун катта имконият. Чунки 35 миллиондан зиёд аҳолининг катта қисмини, яъни 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Бугун юртимизда таълимга, хусусан, олий таълимга жиддий эътибор қаратилаётганининг сабаби ҳам инсон капитални ривожига туртки беришдир. Шу саъй-ҳаракатлар сабабли сўнгги олти йилда олий ўқув юрталари сони 77 тадан 177 тага етди, уларга қабул 3,5 баробар ортди. Ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 32 фоизга ошди.

# МАҚСАД ШУНЧАКИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШ ЭМАС



**Мақсуд ИСОҚОВ,**  
Геология фанлари университети ректори,  
геология-минералогия фанлари доктори

Ушбу йўналишда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва хусусий секторни рағбат қилиш орқали 33 та нодавлат олий таълим муассасаси ташкил этилди. Олий таълимда сиртки, кечки, кундузги, масофавий таълим турлари ташкил топди ва таълимнинг ҳар қандай шакли учун ёш чекловлари олиб ташланди.

Геология соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш, ўқитишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган Геология фанлари университетида ҳам бу борада тизимли ишлар қилинмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги Геология фанлари университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, таълим жараёнининг 70 фоизи амалий машғулотларга ажратилмоқда. Янгидан ташкил этилаётган кафедралар республика тоғ-кон саноати ва геология қидирув ташкилотларига бириктирилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари жорий йил 19 май куни геология соҳасига оид лойиҳалар тақдими билан танишиш жараёнида Давлат

геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида йилига 300 дан ортиқ ўрта бунин мутахассисига эҳтиёж борлигига алоҳида эътибор қаратган, замонавий билимга эга, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни яхши ўзлаштирган кадрларни тайёрлаш зарурлиги қайд этилган эди.

Бу вазифалар ижроси юзасидан бугун тизимли ишлар бажарилаяпти. Жумладан, жорий ўқув йилида Олмалик кон-металлургия, Бухоро нефть ва газ саноати коллежлари ҳамда Зарафшон саноат ва Ҳузор энергетика саноати техникумларида 220 нафар ўқувчи қабул қилиниб, техник геолог, техник геофизик ҳамда техник бургиловчи йўналишларида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**ГЕОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЯНА БИР МУАММО — КАСБНИ ТЎҒРИ ТАНЛАШ МАСАЛАСИ. ЭЪТИБОР БЕРИБ ҚАРАСАК, СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА АБИТУРИЕНТЛАР ОТМЛАРГА ҲУЖЖАТ ТОПШИРИШДА ЎЗИ ҚИЗИҚҚАН КАСБГА ЭМАС, БАЛКИ АВВАЛГИ ҚАБУЛ ЙИЛИДАГИ ЎТИШ БАЛИГА ҚАРАБ ЙЎНАЛИШ ТАНЛАМОҚДА.**

Бу ҳолатда абитуриентлар, бир тарафдан, ўқишга киришда рақобат пастлигини қўзлаган бўлса, иккинчи тарафдан, ўқишга кирганидан сўнг бошқа факультетга ўқишни қўчириб олиш имкониятидан фойдаланишни мақсад қилмоқда.

Агар одам ўзи севган касбига фаолият юритмас экан, у ҳеч қачон ўзини бошқа соҳанинг масъули сифатида хис қилмайди. Севган касби билан шуғулланиш эса одамга завқ, шижоат, рағбат ҳамда маънавий озуқа

беради. Шунинг учун инсон ўзи қизиққан, имконияти ва иқтисоди бори йўналишини танлаши керак. Шунда танлаган касбининг етук мутахассиси бўлиб шаклланади.

Касб танлаш ҳаётимиздаги энг муҳим танловлардан биридир. Бу борада ота-оналар фарзандларига ёрдам бериши керак. 17-18 ёшга етган боланинг қизиқиши қобилиятлари анча намоеъ бўлиб қолади. Ана шу қизиқишларни рағбатлантириш, истеъдодини ривожлантириб бориш жоиз. Бўлажак мутахассис тўғри касб танлай олса, ўзи қизиққан йўналиш бўлгани учун пухта билим ва кўникмалар олиб, ўша соҳанинг ривожига ҳисса қўша оладиган етук кадр бўлиб етишади.

Олий таълим муассасамизда таҳсил олаётган ёшлар билан қўп суҳбатлашаман. Мени хурсанд қиладигани — уларнинг аксарияти



салоҳиятли, геология соҳасига қизиқиши банд. Етук мутахассис бўлиб етишиши учун эса талабаларга пухта таълим бериш, уларни касбга тўғри йўналтириш, назарияни амалиётга боғлаб тушуштириш керак бўлади.

Президентимиз бу борада зимманимизга катта вазифаларни қўйяпти, ечимини кўрсатаяпти. Шунга яраша шароит ва имкониятлар яратилаяпти. Бу борада Геология университети ташкил этилганининг ўзиёқ катта мисол. Биздан талаб қилинадигани — ҳалол меҳнат ва касбга садоқат!





БОҚИЙ МЕРОС

ОҒАҲИЙ ТАРЖИМАСИНИНГ 3 ТА ҚЎЛЁЗМАСИ МАЪЛУМ БЎЛИБ, 2019 ЙИЛДА АСАРИНИНГ ЯНА БИР ҚЎЛЁЗМАСИ АНИҚЛАНДИ. ЕТУК ОЛИМЛАРИМИЗ ВАҲОБ РАҲМОН ВА НАЖМИДДИН КОМИЛОВНИНГ ИЛМИЙ ИШЛАРИДА ОҒАҲИЙНИНГ АЙНАН ШУ ТАРЖИМАСИ ТЎҒРИСИДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БЕРИЛАДИ ВА ШОИРНИНГ МАҲОРАТИ ЮКСАК БАҲОЛАНДИ.



ОҒАҲИЙНИНГ ЯНГИ ДАСТХАТИ: “Гулистон” қўл ёзмаси

Хилола НАЗИРОВА, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Дилмурод БОБОЖОНОВ, Хоразм Маъмур академияси катта илмий ходими

Хива шаҳар Ички ишлар бўлими томонидан 9 та қўл ёзма аниқланиб, Хоразм Маъмур академиясига топширилди. Қувонарлиси, қўл ёзмалар орасида Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари туркий таржимаси ҳам бор. Ушбу таржима ўзбек адабиёти ва таржимонлик мактабига улкан ҳисса қўшган Муҳаммадризо Огаҳий қаламига мансуб дастхат экани аниқланди.

Илм-фан, адабиёт, санъат тарихида таржималарнинг ўрни беқиёс. Улар туфайли халқлар ва маданиятлар ўртасида алмашувлар бўлган. Шўжри, бугунги Ўзбекистон замини ҳам асрлар давомида таржимонлик ривожланган маскан бўлиб келган. Бироқ бу тарих тўлиқ ва тизимли ўрганилган, дея олмаймиз. Афсуски, юртимиздаги таржимонлик жараёни адабиётшунослик, таржимашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан қониқарли тавсифланган. XX аср ўрталаридан бошлаб Ўзбекистондаги таржимонлик мактаби тарихига доир тадқиқотлар олиб борилган. Аммо бу уммондан бир томчи холос. Жуманиёз Шарипов, Субўтои Долимов, Ғайбулла Ас-Салом тадқиқотлари тамалтош ҳисобланса, Ваҳоб Раҳмон, Нажмиддин Комилов сингари йирик олимларимиз томонидан таржима назариясининг умумий хусусиятлари ва қониқиятлари тавсифланган.

Таржима мактаблари Марказий Осиё минтақасида ҳар доим ҳам бир ерда тараққий этмаган, ҳудудлар ўзгариб турган. Сулоларнинг илм-фан ва адабиётга раҳнамоллик жўрғофиясини тадқиқ этиш алоҳида масала. Сўзсиз, XIX асрдан то XX аср бошларига қадар Хива хонлиги таржима мактабининг пешқадами эди. Хонликда қалам аҳлига алоқадорлар таржима ишига жалб қилинган. Ҳатто бир асарнинг 5 хил таржимаси бўлиши мумкин эди, таржимон маҳорати эса саройда хон бошчилигидаги илмий кечаларда баҳоланарди. Энг яхши таржимага хон ва сарой аёнлари томонидан пул мукофоти ва совғалар берилган.

Муҳаммадризо Огаҳий (1809-1874) Марказий Осиё тарихида энг сермахсул ижодкорлардан биридир. У тарихчи, шоир ва таржимон сифатида олпита тарихий асар, битта девон ва ўн тўққизта таржимани мерос қилиб қолдирган.

Огаҳий Хива хонлиги Кўнгиротлар сулоласининг (1804-1920) форс тилидан туркий тилга таржима қилувчи таржимонлар мактаби пешқадами эди. У ижодини форс тилидан тарихий асарларни таржима қилишдан бошлаган ва маҳорати ошиб борган сайин бадиий асарларни назмдан насрга ўйрган. Бугунги кунга келиб Огаҳий ҳаёти ва ижодининг салмоқли қисми яхши ўрганилган. Аммо адибнинг таржима асарларини замонавий талаблар асосида тадқиқ қилишга эҳтиёж сезилмоқда.

Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимон экани ҳақидаги илк маълумот венгриялик олим Арминий Вамбери (1832-1913) тадқиқотида келтирилган. Арминий Вамбери Хоразмда шеърятга бўлган катта қизиқиш тўғрисида гапир туриб, бундай ёзда: “Хивада мен икки ака-ука билан танишдим. Бирини Мунис бўлиб, у аjoyиб шеърлар ёзган, мен уларнинг айримларини кейинчалик нашр қилдим-моқчиман. Иккинчиси Мироб”. У улкан сабр билан Мирхонднинг катта тарихий асарини ўғли учун, гарчи ўғлининг ўзи ҳам форс тилидан хабардор бўлса-да, ўзбек туркий лаҳжасига ўйирмоқда. Бу иш 20 йил давом этган, лекин у буни бирор қимса олдида эътироф этишдан уяради, зеро, диний илмлардан бошқаси билан шуғулланиш юзакчилик ҳисобланади”.

Ушбу иқтибосдан маълум бўладики, Огаҳий Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарини кўп йиллар давомида таржима қилган ва бошқа таржимонларга ҳам бош-қош бўлган. Огаҳий форс тилидан ўн саккизта ва уммоний туркчасидан битта асар таржима қилган. Йирик олим Ю.Брегел (1925-2016) таржима асарларнинг йиллар кетма-кетлигини аниқлашга қийналган эди. Аммо огаҳийшунос олим Н. Ташев бу хронологияни шоир ўз девонидида кетма-кетликда берганини аниқлаган.



Саъдий Шерозийнинг (1210-1292) дунёга машҳур асарларидан бири “Гулистон” таржимаси шаҳзода Муҳаммадрахмон II буюртмаси билан амалга оширилган. Форс-тожик адабиётида Саъдийнинг макомини жуда юксак. Хусусан, “Бустон” (1257) ва “Гулистон” (1258) асарлари унга оламшумул шўхрат келтирди.

“Гулистон” саккиз бобдан иборат бўлиб, унинг таркибий тузилиши қуйидагича: дебона; биринчи боб — подшоҳлар сийрати зикрида; иккинчи боб — дарвешлар ахлоқи зикрида; учинчи боб — қаноат фазилати зикрида; туртинчи боб — сукут сақлашнинг фойдалари зикрида; бешинчи боб — иш ва ёшлик зикрида; олтинчи боб — қариллик ва заифлик зикрида; еттинчи боб — тарбият таъсири зикрида; саккизинчи боб — суҳбат одоби зикрида.

Саъдийни ғазал жанрининг кашшофи ва устоди сифатида ҳам улуғлашади, чунки унгача форсий шериятнинг етакчи жанрлари қасида, достон, маснавий, қитъа ва рубоий эди. Рудакий, Санойи, Хоқоний, Жамолiddин ва Камолiddин Исфохоний кўплаб ғазаллар ёзган бўлса-да, улар қасида ва қитъа характерида эга бўлиб, ўзаро мустақил алоҳида байтлардан ғазал яратиш аъёнасини Саъдий бошлаб берди. У ғазалчиликдаги ўзгача оғиб борилган изланиш ва тажрибаларни ривожлантириб, ғазални такомилга етказди. “Гулистон”га эргашиб кўплаб асарлар

ёзилган, лекин улардан фақат 3 таси: Абдураҳмон Жомийнинг “Бахористон”и, Маждиддин Хофийнинг “Хористон”и, Ҳабиб Қоонийнинг “Паришон”и шўхрат қозongan.

Саъдий Шерозийнинг ушбу асари таржимаси турли даврларда ўзбек тилига Сайфи Саройи, Муҳаммадризо Огаҳий, Мулла Муродхўжа Солиххўжа, Ғафур Фулом ва Шойслом Шомуҳамедов, Рустам Комилов томонидан таржима қилинган. Яқинда асарнинг филология фанлари доктори Афтондил Эркинов томонидан яна бир туркий таржимаси аниқланди. Таржима ўрта асрларда қарлуқ лаҳжасида Олтин Урдада амалга оширилган, деган фикр илгари сурилди.

Огаҳий таржимасининг 3 та қўл ёзмаси маълум бўлиб, 2019 йилда асарнинг яна бир қўл ёзмаси аниқланди. Етук олимларимиз Ваҳоб Раҳмон ва Нажмиддин Комиловнинг илмий ишларида Огаҳийнинг айнан шу таржимаси тўғрисида батафсил маълумот берилди ва шоирнинг маҳорати юксак баҳоланди.

Қўл ёзма шарқ қоғозига кўчирилган, хошиялар тузатиш ва қўшимчалар бор. Асар таржимаси тўлиқ — 220 Ҳарф. Асосан, шеър таржималарининг қўшимчалари хошияда берилган, бу ҳам, ўз навбатида, шоир дастхати эканидан далолатдир. Қўл ёзмада колофон йўқ бўлиб, ҳижрий 1279/1862-1863 йиллар санаси кўрсатилган.



Огаҳий дастхатларида деярли ҳар доим колофон мавжуд бўлмади. Айни ҳолатни фақат Огаҳий дастхатига нисбатан эмас, балки Хива хонлигида битилган бошқа дастхат нусхалар учун ҳам хос, дея оламиз. Афтидан, мазкур жиҳат ўша давр Хива хонлиги китобат ишининг ўзига хос хусусияти бўлиши мумкин.

Унинг дастхатини мутахассислар томонидан тез аниқлаш услублари мавжуд. Аввало, дастхат нусхалари колофонларида котиб исми кўрсатилмайди. Қўл ёзма ёзуви нуфузли тадқиқотчилар томонидан Огаҳий дастхати сифатида баҳоланган ва у шоирнинг бошқа қўл ёзмалардаги ёзув услуби билан бир хилдир. Огаҳийнинг дастхати уни осонлик билан таниб олиш мумкин бўлган қатор хусусиятларга эга. “Ҳойи хутти” ҳ, “нун” ن, “син” س каби ҳарфлар ёзилиши ҳамда ҳамза ە белгисидан фойдаланувдаги ўзига хосликларга қараб Огаҳий дастхатини ажратиб олиш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, биз кўриб ўтаётган қўл ёзма тўлдириб ва ўчиришлар билан кўчирилган. Бунинг сабаби мазкур нусханинг қоралама эканидир. Унда Марказий Осиё минтақасига хос ва Огаҳийда ҳам учрайдиган имловий фарқларни кўрамиз.

Table with 2 columns: Огаҳийда: (арабча сўз бирликлариди) and Сўзнинг тўғри ёзилиши:.

Ушбу топишган дастхат нусхасини бошқа қўл ёзмалар билан солиштириш лозим. Огаҳий давлат арбоби, мириблик касбидида расман фаолият юритганига қарамай, Кўнгирот хонлари уни ўткир қалам соҳиби, таржимон, шоир ва муарриф сифатида қадрлашган. Адибнинг салмоқли ижодини таржимонлик фаолияти ташкил қилган бўлса-да, унинг ушбу қирраси ҳали тўлалигича ёритилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ўрта Осиё туркий тилига “энг кўб ва энг хўб” таржима қилган мутаржимнинг фаолияти чўқур тадқиқотларга тортилиши лозимлигини кўрсатади.

ЛАВҲА

БЕКОВАДЛИК “ТЕМИР ХОТИН”

Бекобод туманида Нарзинисо опа Боқиева деган фермер аёл бор. Таниган-билганлар уни “Темир хотин” деб атайдди. Нимага дейсизми? Чунки у кўпчилик севиб томоша қилган “Темир хотин” бадиий фильмидаги Аломатхонни эслатади-да. Ўзбек киноси хазинасидан жой олган ушбу бадиий фильмда робот аёл ишлаб чарчамайди. Уй юмушларини ҳам қойилмақом бажаради, бир қарасангиз, далага чиқиб, ҳаммадан кўп пахта таради. Унинг ғайрату шижоатини кўрган одамлар хангу манг бўлиб қолади.



— МЕНИ “ТЕМИР ХОТИН” ДЕЙИШСА, ХУРСАНД БЎЛАМАН, — ДЕЙДИ НАРЗИНИСО БОҚИЕВА. — КИНОДАГИ АЛОМАТХОН КАБИ ИШ ТИҒИЗ ПАЙТЛАРИ ЧАРЧАганимни билмайман, овқатланиш хаёлимга келмайди, дала ишлари билан машғул бўлиб юравераман. ОПЕРАЦИЯ БЎЛганимда ҳам ЭРТАСИ КУНИ ДАЛАГА ЧИҚИБ КЕТГАНМАН. ЧУНКИ ДАЛАМНИ КЎЗИМ ҚИЙМАЙДИ. ШУ ДАЛАГА, ЎЗ ИШИМГА ЖУДДА ҚАТТИҚ МЕҲР ҚЎЙГАНМАН. ҲАТТО САНАТОРИЙГА БОРМАЙМАН. ДАМ ОЛИШГА ҚИҒИБ КЕТСАМ, ҒЎЗАЛАРНИНГ АҲВОЛИ НЕ КЕЧАДИ, ДЕБ ТАШВИШГА ТУШАМАН-ДА.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мақоламиз қахрамони Нарзинисо опани кўрган киши беихтиёр шу образни эслаши тайин. Чунки у, ҳеч бир муболағасиз, меҳнатқаш, тиришқоқ, ғайрати жўш уриб турадиган аёл. Кўрган одам уни олтимиш учга кирган демайди. Қотмадан келган, гап-сўзларида қишлоқ аёлларига хос жайдариллик удуриб турадиган, феъли дангал бу опа кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилади. Машинаси бўлса-да, велосипед миниб, ҳар кунни ўзи раҳбар бўлган фермер хўжалиги даласини айланади, деҳқонларга ёрдам беради, трактор ҳайдайди. Табиатан камтар-камсуқум, ҳеч қимдан ердани аямайдиган, меҳнатқаш бу аёлни ҳамма бирдек ҳурмат қилади. Ҳа, нозик хилқат вақиласининг бундай хилсатлари ва фаолияти кўпчиликка чинакам ибрат намунаси бўла олади.

— Мени “Темир хотин” дейишса, хурсанд бўламан, — дейди Нарзинисо Боқиева. — Кинодаги Аломатхон каби иш тигиз пайтлари чарчаганимни билмайман, овқатланиш хаёлимга келмайди, дала ишлари билан машғул бўлиб

юравераман. Операция бўлганимда ҳам эртаси кунни далага чиқиб кетганман. Чунки даламни кўзим қиймайди. Шу далага, ўз ишимга жудда қаттиқ меҳр қўйганман. Ҳатто санаторийга бормаيمان. Дам олишга чиқиб кетсам, ғўзаларнинг аҳволи не кечади, деб ташвишга тушаман-да. Нарзинисо опага ерга меҳр ота-онасидан ўтган. Чунки улар ҳам деҳқончилик билан шуғулланиб, икки ўғил ва бир қизини пешона териси билан катта қилди. Нарзинисо опа болалигидан чинозлик машҳур Турсуной Охуновага ўхшаб механизатор бўлишни оруз қилган. Тўққиз ёшидан пахта теримига чиқишни бошлаган қахрамонимиз бора-бора пахта далаларига, ғаллачиликка меҳр қўйди. Бу меҳр, иштиёқ уни юртимиз ривожига, халқимиз фаровонлигига нафи тегадиган фермер бўлишга ундайди. У Бекобод туманидаги қишлоқ хўжалиги ўрта-маҳсус техника мактабидида механизатор ва чеварчилик йўналишида тахсил олди. 1998 йилдан 20,3 гектар ерда пахтачилик йўналишида фермер сифатида иш бошлайди. 2008 йилда фермер хўжалиги ер майдони 84 гектарга кенгайиб, 46 гектар ерда пахта, 38 гектар ерда бугдой етиштирила бошланди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда фермерлар фаолиятига қаратилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар, берилаётган имтиёزلар туфайли режани ҳар йили ошиги билан бажариб келяпмиз, — дейди Нарзинисо опа. — Утган йили ғалла режаси 92,6 тонна бўлган бўлса, ортиги билан, яъни 102 тонна ғалла топширдик. Ўзимизга 150 тонна бугдой қолди. Даромадимиз 525 миллион сўмдан ошди. 33 нафар ёшни иш билан таъминладик, ҳар бир ишчимизга 1,5 тоннадан, жами 52,5 тонна бугдой тарқатдик. — Ҳаракатлар баракат деганлари рост экан, — деб сўзида давом этади фермер опа. — Меҳнат қилган одам ҳеч қачон

кам бўлмаслигини, ундан ризқ унишини ўз фаолиятим мисолида кўрапман. Шунинг орқасидан тўйлар қилдик, уй, машина олдик. Дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон. Экин-тикиндан мўл-кўл ҳосил олиш деҳқондан катта меҳнат ва машаққат талаб қилади. Ўз ҳаловатидан кечган, ер билан тиллашган, диллашган, чўқур билимга эга фермергина юқори ҳосил олиши, яхши даромад кўриши мумкин. Хусусан, ғўза парвариш фермердан шундай жиҳатлари талаб қилади. Билим ва тажрибасига таянгани учун ҳам Нарзинисо опа ҳар йили пахтадан яхши хирмон кўтармоқда.

— Ғўзани ўз вақтида озиклантириш, ҳашарот, зараркунандадан сақлаш, вақтида сувини бериб, гул ташламаслигига эътибор қаратиш керак. Саккиз-тўққиз ой давомида қилинган меҳнат, сарф-харажати бой бериб қўймаслик учун масалга илмий ендашамиз. Аввало, пахта тағдидаги тупроқни қўлга олам. Тупроқ совиган бўлса, демек қуртлар ғўзага ёпишиш учун чиқаятандан дарақ беради. Тупроқ иссиқ бўлса, унинг тағдида яширинади. Шунинг учун салқин маҳалда, зараркунандалар чиқа бошлаган пайтда уларга қарши дори сепиш яхши самара беради. Бу орқали ғўзани асраб, унинг ҳосилдорлигини сақлашга эришилади, — деб ўз тажрибаси билан ўроқлашади фермер. “Меҳнатнинг таги роҳат”, дейди халқимиз. Нарзинисо Боқиеванинг ҳам меҳнати давлатимиз томонидан кўп бор эътироф этилган. Хусусан, у ўз фаолияти давомида “Илгор фермер”, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўрак нишонлари билан тақдирланди. Бундан ташқари, 2012 йилда

шартнома режасини биринчи бўлиб ортиги билан бажаргани учун “Каптивга”, 2013 йилда “Нексия”, 2014 йилда эса “Спарк”, 2015 йилда эса “Пасетти” автомашиналари билан тақдирланди. Нарзинисо опанинг 10 дан зиёд аёл шогирди фермерлик фаолиятини йўлга қўйган. Опа уларга ўз маслаҳатини беришдан, таржибаси билан ўроқлашишдан чарчамайди. Фермер опанинг икки ўғли ва қизи бор. Тўққиз набиранинг меҳрибон буви-си. Ўғиллари фермер хўжалигида механизатор бўлиб ишлайди, қизи эса ҳисоб-китоб ишларини юритади. Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги фаолиятини ошириш мақсадига яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитлар Нарзинисо опа сингари аёлларни юзага чиқармоқда. Улар эркаклардан ҳеч бир жабҳада қолишмаган ҳолда юртимиз равнақига ўз хиссасини қўшапти. Бу орқали улар жамиятда ўз ўрнига эга бўлмоқда, халқимиз орасида эъзоз ва қадр топлмоқда, меҳнати эса шарафланмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўл ёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Ғ-1064. 80471 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова Мусахҳиш: Рашид Хўжамов Дизайнер: Зафар Рузиев Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй